# Янги 2011 йил барчамизга қутлуғ бўлсин, азиз ватандошлар!

2011-yil 1-yanvar № 1 (2882) shanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

*Келгуси йилда мен барчамизнинг энг муҳим бурчимизни шу борада амалга ошираётган ишларимизнинг самарасини янада ошириш учун ҳар қайсимиз ўз жойимизда бир ёқадан бош чиқариб, астойдил меҳнат қилишда деб биламан ва сиз азизларнинг барчангизни шунга даъват этаман.*

Ислом КАРИМОВ

## Ўзбекистон халқига янги йил табриги

*Азиз ватандошлар!*

*Қадрли дўстлар!*

*Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз азизларни, бутун Ўзбекистон халқини қутлуғ қадами билан юртимизга кириб келаётган янги – 2011 йил билан самимий муборакбод этиш ва энг эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.*

*Айни шу лаҳзаларда барчамиз ўтиб бораётган йил давомида бошимиздан кечирган, эл-юртимиз ҳаётида рўй берган унутилмас воқеаларни, қувонч ва ташвишларни беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтказиб, шу кунларга соғ-омон етказгани учун Яратганимизга шукроналар айтишимиз, ҳаётнинг қадр-қимматини яна бир бор англашимиз табиий, албатта.*

*Якунига етаётган йилни кузатар эканмиз, бугунги шиддат билан тез ўзгараётган замонда, аввало, ён-атрофимизда юз бераётган нотинчлик ва беқарорлик, қарама-қаршилик туфайли вазият тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, осуда ҳаётни сақлаш, жамиятимизда кучайиб бораётган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш нақадар муҳим эканини яна ва яна қалбимиздан, юрагимиздан ўтказамиз, десам, ўйлайманки, ҳақиқатни айтган бўламан.*

*Азиз дўстларим, биродарларим!*

*Биз 2010 йил мобайнида қандай ютуқ ва марраларга эришган бўлмайлик, албатта уларни қийинчиликсиз, осонлик билан қўлга киритганимиз йўқ.*

*Шу маънода, қайси соҳани олмайлик, бу қишлоқ хўжалиги бўладими, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалар бўладими, ўтган йил давомида қанча-қанча машаққатли синов ва муаммоларни енгиб ўтишга тўғри келганини таъкидлаш лозим. Лекин бошимиздан ўтказган бундай синов ва қийинчиликларга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, ўз ниҳоясига етаётган 2010 йил эл-юртимиз, Ватанимиз учун ҳар жиҳатдан мазмунли, баракали ва омадли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.*

*Бунинг яққол тасдиғини аввало Ўзбекистонимизнинг дунёдаги саноқли давлатлар қаторида иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларига эришиб келаётганида кўриш мумкин.*

*Айниқса, якунланаётган йилда ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик тармоқлари бўйича мамлакатимизда мўл ҳосил етиштирилгани, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари 108,5 фоизни ташкил этиб, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоизга ошириб бажарилгани бу фикрнинг ёрқин далилидир.*

*Энг муҳими, ўтган йилда аҳолининг реал даромадлари 23,5 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 32 фоизга кўпайгани халқимизнинг фаровонлиги ошиб бораётганидан далолат беради.*

*2010 йил – Баркамол авлод йилида амалга оширган кенг кўламли тадбирларимиз фарзандларимиз, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг замон талаб қилаётган даражада билим олиши, интеллектуал салоҳиятини ошириши, тажриба топиши ва ҳаётга ҳал қилувчи куч бўлиб кириб бориши, бир сўз билан айтганда, келажагимиз масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлиши йўлида янги бир қадам бўлди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.*

*Олдимизга қўйган эзгу мақсадларга етиш бўйича мамлакатимиз қандай юксак натижаларга эришган бўлса, ҳеч шубҳасиз, миллати, тили, дини ва эътиқодидан қатъи назар, Ўзбекистонимизни ягона Ватан деб, ўзини аямасдан хизмат қилаётган ҳар бир инсон — қайси соҳада, қайси вазифани бажармасин — бу ютуқларда менинг ҳам ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб юришга албатта ҳақлидир.*

*Бугун мана шундай шукуҳли айёмда заҳматкаш деҳқонларимиз, меҳнатчи ва зиёлиларимизга, олим ва шифокорлар, жонкуяр ўқитувчи ва мураббийларимизга, жасур ва мард ҳарбийларимизга — мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун меҳнати сингган барча-барча юртдошларимизга самимий ҳурматим ва чуқур миннатдорчилигимни билдиришни ўзимнинг бурчим деб биламан.*

*Муҳтарам дўстлар!*

*Бугун эски йил билан хайрлашар эканмиз, барчамиз «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб ном олган янги – 2011 йилни қут-баракали, омадли ва файзли, юртимизни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизни юксак поғонага кўтаришда янги бир босқич бўлади, деб катта орзу-умидлар билан кутиб олишимиз табиийдир.*

*Янги йилда иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаган ҳолда, салоҳиятимизни янада мустаҳкамлаш ҳисобидан халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини узлуксиз юксалтиришга қаратилган сиёсатни давом эттириб, аҳолимизнинг даромадларини ошириш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорини 25 фоиз кўпайтириш кўзда тутилмоқда.*

*Шу борада соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия ва бошқа соҳаларга йўналтирилган маблағлар ҳажмини сезиларли даражада ошириб, давлат бюджети умумий харажатларининг қарийб 60 фоизини айнан ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга ажратиш белгиланганини эл-юртимизнинг байрам олди кайфиятини янада кўтаради, деб ўйлайман.*

*Бундай режалар ҳаммамизни қувонтиради, албатта, лекин бу марраларни қўлга киритишнинг асосий шартлари ҳақида алоҳида айтиб ўтишни ўринли деб биламан.*

*Нафақат 2011 йилдаги, балки узоқ ва давомли орзу-ниятларимизни амалга оширишнинг яккаю ягона шарти бу – жамиятимизни янгилаш, мамлакатимизни модернизация қилиш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этиш бўйича мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб амалга ошираётган, узоқни кўзлаган ислоҳотлар сиёсатини ҳеч иккиланмасдан, қатъият билан давом эттиришдан иборат, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.*

*Келгуси йилда мен барчамизнинг энг муҳим бурчимизни шу борада амалга ошираётган ишларимизнинг самарасини янада ошириш учун ҳар қайсимиз ўз жойимизда бир ёқадан бош чиқариб, астойдил меҳнат қилишда деб биламан ва сиз азизларнинг барчангизни шунга даъват этаман.*

*Азиз ватандошларим, қадрдонларим!*

*Сизларни бағримга босиб, кириб келаётган янги — 2011 йил билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.*

*Янги йилда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман!*

*Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!*

*Янги йил барчамизга муборак бўлсин!*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



## Умид оғушида

Умид оғушида кутмоқда ҳаёт,
Янги отилажак тонгни интизор.
Бу тонг олам учун ўзгача баёт –
Бу тонг янги йил кўрсатар жамол.

Дийдорки...
Қалб билан сўзлашар осмон,
Юз очар навқирон янги бир сана.
Чексиз хаёллар-ла боқий, бардавом,
Ҳаёт қўшиғини куйлагай яна.

Зумда ортда қолар кулмаган орзу,
Унутилар ҳатто аламли дамлар.
Юракда жўш урар нурдай пок туйғу,
Янги йилга керак улкан қадамлар.

Янги йил муборак, митти болажон,
Янги йил муборак, ложувард само.
Ҳатто бахтга ташна маъюс хонадон,
Янги йил муборак, сенга аввало.

Янги йил муборак!
Онажон – Халқим.
Қара, умидларинг қанот қоқмоқда.
Аллоҳга шукрким, заминга таъзим! –
Орзуга йўғрилган бир тонг отмоқда.

Умид оғушида кутмоқда ҳаёт,
Янги отилажак тонгни интизор...
Бу тонг олам учун ўзгача баёт –
Бу тонгдан янги йил кўрсатар жамол.

**Гулчеҳра АШУРОВА,**
**ЎзМУ талабаси**

**Саховат**

## Эътибор
### яшашга бўлган иштиёқни кучайтиради

***Бир донишманддан сўрашибди: Дунёда энг яхши савоб нимадир? У бироз ўйланиб: — Кўнгли яримларнинг руҳини кўтариш, — дея жавоб берган экан. Янги йил муносабати билан айни кунларда кўплаб хайрли ишларга қўл урилмоқда. Ёши улуғ кексалар шарафланяпти; болажонларимизга «арча байрами» тимсолида шодлик улашилмоқда. Анъанага кўра, 2483 нафар ёлғиз кекса касаба уюшмалари томонидан ҳомийликка олинган бўлиб, улар ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келинмоқда.***

Мана шундай хайрли тадбирлардан бири Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида бўлиб ўтди. Бу ерга бир гуруҳ касаба уюшма фаоллари ташриф буюришиб, фахрийларни кириб келаётган янги йил байрами билан табриклашди ва байрам совғаларини топширишди.

— Пансионатимизда 152 нафар фахрий истиқомат қилади, — дейди директор муовини Тоҳир Азимов. — Уларнинг яшашлари учун барча шароит яратилган. Ошхона, ётоқхоналар замонавий таъмирдан чиқарилган.

Сизларнинг бугунги ташрифингиз қарияларнинг кўнгилларини кўтариб юборди. Бунинг учун ҳомийлик ёрдамини ташкил этган касаба уюшма ташкилотларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

101 ёшни қаршилаётган Гулбиё Шарипова биз билан суҳбатда шундай деди:

— Илиқ сўз, озгина эътибор киши қалбини яшнатиб, яйратиб юборади. Саховатли кишилар доим бор бўлсин.

— Бу ерда яшаётганимга 1 йилдан ошди, — дейди 75 ёшни қаршилаётган Умар ота Тўраев. — Гўё ўз уйимда яшаётгандекман. Тўрт маҳал овқат, ҳар бир киши учун алоҳида хона. Бизларни сўроқлаганларни Аллоҳ сўроқласин!

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Болажонлар байрами

**Самарқанд шаҳридаги ҳар бир сайилгоҳ ва мавзеда арча атрофида турли томошалар, ўйинлар ташкил этилди. Бош сайилгоҳда эса томошалар янаям қизиқарли ўтмоқда. Шундай тадбирларда Президентимизнинг Янги йил совғаси 1253 нафар болажонга тақдим этилди.**

**Каттақўрғонликлар ҳам байрамни шодиёналик билан кутиб олишди. Шаҳарнинг Амир Темур хиёбони, айниқса, чирой очган бўлиб, бу ерда махсус интернат болалари учун «Президент арчаси» юксак савияда ташкил этилди.**

**Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида «Президент арчаси» тадбири театрлаштирилган томошаларга уланиб, болажонларнинг қувончига-қувонч қўшди.**

* * *

«Президент арчаси» тадбири сурхонлик болажонларга олам-олам шодлик улашди. Қорбобо ва Қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари билан бирга арча атрофида дилдан яйраб-қувнаётган болажонлар юз-кўзида чексиз бахтиёрлик ифодаси акс этди.

— Ҳар йили «Президент арчаси»ни жуда интиқиб кутаман, — деди Термиздаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Вероника Володина. — Чунки бу тадбирнинг шукуҳи бошқача.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи, Шўрчидаги 68-, 122-мактаб-интернатлари ҳамда Сариосиёдаги «Фарҳод» мурувват уйи тарбияланувчиларига Янги йил муносабати билан меҳр-мурувват кўрсатди.

* * *

**Қарши шаҳрининг қоқ марказига ўрнатилган арча атрофида шодлиги ичига сиғмаётган болажонлар, юзида келажакка ишонч уфуриб турган навқирон ёшлар, тинч ва осуда кунлар учун шукрона айтаётган отахону онахонлар тароватли байрамни тантана қилишяпти.**

**Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номидаги вилоят мусиқали драма театрида бўлиб ўтган «Президент арчаси» тадбирлари жажжи ўғил-қизлар учун байрам гултожига айланди.**

* * *

Навоий шаҳри бош майдони, истироҳат боғидаги осмонўпар арчалар атрофида 10 январгача давом этадиган шодиёналар жуда ранг-баранг. Болажонлар турли эртак қаҳрамонлари, қорбобо, қорқизлар иштирокида кўнгил чоғлашяпти.

Шаҳарнинг «Фарҳод», «Ширин», «Наврўз» маданият уйларида ҳар куни икки мартадан театрлаштирилган томошалар намойиш этиляпти. 31 декабр куни вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан 600 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари олис шаҳар ва туманлардан «Фарҳод» маданият саройига олиб келиниб, улар учун байрам томоша дастурхони тузалди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси саъй-ҳаракатлари билан Навоий шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари учун алоҳида байрам дастурхони ёзилди. Ҳар бир бола байрам туҳфасига сазовор бўлди. Шунингдек, рангли телевизор ҳам туҳфа қилинди.

* * *

**Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмасида меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар ҳамда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ходимларининг фарзандлари учун арча байрами ташкил этилди. Катта концерт ва турли саҳна кўринишлари байрам иштирокчилари кўнглига хушнудлик бағишлади. Тадбирга Маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят вакиллиги ташаббускорлик қилди.**

**— Янги йил болажонларнинг энг севимли байрамларидан биридир. Шу боис бўлса керак, тадбирда 150 нафардан ортиқ бола иштирок этди, — дейди Маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят вакили Р. Ниёзова.**

**Тадбирда фаол иштирок этган болажонлар Қорбобонинг махсус совғаларини олишга муяссар бўлдилар.**

**Ўз мухбирларимиз**

* * *

**Янги йил тадбирлари юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам катта шодиёналик билан бўлиб ўтаяпти. Фарзандларимиз 2011 йилни кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар.**

## Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Навоий вилоят вакиллиги

**Барча юртдошларимизни Янги – 2011 йил билан самимий муборакбод этади.**

Хушнудлик билан
қадам ранжида қилган
йилимиз серунум,
сербарака ва
зафарларга бой бўлсин.
Она заминимиз доимо
осуда, хонадонларимиз
тинч-тотув,
кўнгилларимиз
бахтдан беармон
чоғланаверсин.
Меҳр-оқибатлилик,
бир-биримизга наф
келтиришдек бахт ҳар
биримизга насиб этсин.

## Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят вакиллиги

**Соҳа ходимларини, серқуёш юртимизда истиқомат қилаётган барча инсонларни Янги йил билан самимий табриклайди.
Мамлакат тинчлиги ва фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатаётган юртдошларимизга, уларнинг оила аъзоларига соғлик, хуш кайфият, ишларида ҳамиша омад ёр бўлишини тилаб қолади.**

**Янги — 2011 йил зафарлар йили бўлсин!**

## «Бухоропарранда» очиқ акциядорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

*Эл дастурхони тўкинлигига муносиб ҳисса қўшаётган соҳа ишчи-ходимларини, юртимизнинг барча аҳолисини эзгу тилаклар билан кириб келган Янги — 2011 йил билан табриклайди.
Ҳамиша осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, мақсади муштарак халқимизнинг турмуши янада фаровон бўлсин. Барчага бахту иқбол кулиб боқсин!
Янги йилда муваффақиятларимиз янада кўпайсин!*

«Бухоропарранда» ОАЖ турдош корхоналар ичида нафақат кўҳна ва боқий Бухорода, балки мамлакатимизда ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Фан ютуқлари, илғор технология, меҳнатга ижодий ёндашув жамоада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини йилдан йилга кўпайтириш имконини бермоқда. Жумладан, ўтган 2009 йили корхонада 61 миллион 861 минг донадан зиёд тухум, 375,3 тонна парҳез гўшт ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда аҳолига 63 миллион 100 минг дона тухум, 390 тоннадан зиёд парҳез гўшт етказиб берилди.

Жамоа муваффақиятларини кўпайтиришда паррандабоқарлар Эргашой Ширинова, Гулсара Холикова, ҳайдовчи Жаббор Бахронов, созловчи Карим Маҳмудовлар барчаға ибрат бўлаяпти.

2009 йил даромадлари ҳисобидан акциядорларга 180 миллион сўмлик дивиденд тарқатилди. Ходимларга ғамхўрлик таҳсинга лойиқ. Уларни ишга олиб келиш ва уйларига элтиб қўйиш учун автобус ажратилган. Бепул иссиқ овқат берилаяпти. Илғорларга мукофот, эҳтиёжмандларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Паррандабоқарлар янги йилда янада катта режаларни кўзлашмоқда.

## Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси

**Барча юртдошларимизни Янги —2011 йил билан самимий табриклайди.
Мустақил Ўзбекистонимиз обрўси янги йилда янада юксалсин.
Меҳнатсевар халқимиз бахту саодатига кўз тегмасин.
Янги йил барчага толе ва омад келтирсин.**




**Шундай касб эгалари борки, улар дам олиш куни ёки байрамларда ҳам ишлайдилар. Сизу бизнинг осойишталигимиз, хавфсизлигимиз ҳамда байрамларни мароқли ўтказишимиз учун улар ўз хизмат жойларини тарк этмайди.**

## Вахтада байрам шукуҳи билан

# Касбим — бахтим

***Ўзаро меҳр, кўнгил иликлиги кўпинча муомала-муносабатда шаклланиб боради, сайқаллашади. Шу нуқтаи назардан, алоқа тизимининг кейинги йилларда мисли кўрилмаган даражада ривожланишини ижобий ҳодиса дейиш мумкин. Жумладан, интернет ҳамда видео алоқа хизматлари орқали нафақат сўзлашиш, балки кўришиш имконияти ҳам яратилди.***

Тақдир тақозоси билан турли ҳудудларда, мамлакатларда яшаётган бир оила аъзолари, қариндошларнинг тез-тез кўришиб туриши қийин. Бу бўшлиқни эса, албатта, алоқанинг янги турлари тўлдиради. Соғинч тафтини босишга, ўзаро меҳр алмашишга ёрдам беради.

Шуларни ўйлар эканман, алоқа ходими бўлиб ишлаётганимдан фахрланаман. Ахир, қанча одамларнинг оғирини енгил қиласиз, муаммоларининг ечилишига сабабчи бўласиз. Бу савоб эмасми? Елкангиздаги масъулият, айниқса, турли байрамлар, айтайлик, Янги йил арафасида сезилади, бундан ғурурланиб кетасиз. Қанчадан-қанча инсонлар бир-бирларини байрам билан қутлашади. Юракдаги эзгу тилаклар тилларга кўчади. Бу муносабатларнинг тез ва равон кечишига ҳиссамиз қўшилаётгани бизни жуда қувонтиради.

Янги йил шукуҳи кезиб юрган паллада навбатчилик қилишнинг, ишлашнинг ҳам ўзгача гашти бор. Йиллар алмашинаётган лаҳзаларда иш жойимда эканман, буни яна бир бор ҳис этдим.

Мен янги йилни иш жараёнида, халқимга нафим тегаётган дамларда кутиб олганимдан ғоятда мамнунман. Ахир, байрам шуниси билан гаштли-да.

**Галина ЧЕРНЫШОВА,
«Ўзбектелеком» АК
«ТШТТ» филиали,
Марказий телефон боғламаси, 221-224
АТСлар ходими**

***Касбимни беҳад севаман. Ахир осойишталик учун хизмат қилишдан ҳам кўра шарафлироқ юмуш борми! Республика Ички ишлар вазирлиги академиясида таҳсил олаётган тингловчилар мамлакатнинг захираси ҳисобланади. У ерда ўқиб юрган давримда янги йилни уйда, оила даврасида эмас, балки ҳамиша казармада кутганмиз. Албатта, бунинг ҳам ўзига хос гашти бор.***

2009 йилда академияни битириб, пойтахтимизнинг Мирobod туман ички ишлар бошқармасида иш бошладим. Ҳар лаҳза ажойиб устозлар, қадрдон ҳамкасблар нафасини ҳис қилиб тураман. Маълумки, бизнинг фаолиятимизда серташвиш кунлар, тунлар кўп бўлади. Шундай пайтда тезкорлик билан муаммо ечимини топиш тақозо этилади. Ўйлайманки, бунинг уддасидан чиқаяпмиз.

Ўтган 2010 йил эсда қоларли бўлди. Мустақиллик байрами нишонланаётган санада тунни навбатчиликда ўтказдим. Шукрким, бирор нохуш ҳодиса содир этилмади.

Мана, Янги йил ҳам дилларга олам-олам умид ва орзулар бағишлаб кириб келди.

Назаримда, барчанинг кайфияти ҳар йилгидан-да кўтаринки. Жумладан, ўзимнинг ҳам... Кўнглим тоғдек юксалиб, улкан масъулият ҳис этиб, янги йилни ҳушёрлик билан иш жойимда, телефон ёнида кутиб олдим.

**Жаҳонгир АБДУЛҚОСИМОВ,
Миробод туман ИИБ
тергов бўлими
терговчиси, лейтенант**

***Кимгадир керак эканлигингни ҳис этиб яшаш қандай яхши! Бунинг учун аввало ўзингда имкон ва рағбат бўлиши керак. Масалан, мен шифокорман. Касбим тақозосига кўра, ҳамма янги йилни нишонлаётган паллада мен навбатчиликда бўлишим зарур.***

Оила бекаси сифатида турмуш ўртоғим ва фарзандларимнинг байрамни бекаму кўст кутиб олишларига шароит яратишим ҳам муҳим. Шуни ҳисобга олиб, ҳар бир аёл байрам дастурхонини ўз қўли билан безаганидек, мен ҳам аввалдан турли пишириқлар, ширинликлар тайёрлаб оиламизга байрам руҳиятини олиб киришга ҳаракат қилдим. Яқинларимга совғалар харид қилиб, Қорбобо орқали уларни эгаларига топширишга буюртма бердим.

Ва... ишга отландим. Чунки биламанки, хизматимга муҳтож кишилар бор. «Тез ёрдам» машинаси орқали юраги безовта қилаётган бемор томон шошилаёкан, ўша оилага нажот фариштаси янглиғ кириб бориш қанчалар шарафли! Чунки хасталик вақт ва макон танламайди. У истаган пайтда хуруж қилиб, инсон ҳаётига хавф солиши мумкин. Шифокорлар эса ана шу хасталикка қарши билимини қурол қилади, одамларга дунёда энг катта бахт — саломатлик ва байрам кайфиятини ҳам улашади.

Мен ҳамиша сергак, инсон саломатлиги учун жонсарак бўлган тиббиёт ходимларини янги йил билан қутлар эканман, улар бу йил ҳам яхшилик элчиси сифатида хонадонларга кириб боришсин, деб ният қиламан. Зеро дунёда бемор дардига дармон бўлиш ва яхшилик томон шошилишдан кўра улуғроқ иш йўқ.

Янги йилга 120 нафардан ортиқ тиббиёт ходимини бирлаштирган жамоамиз катта тайёргарлик кўрди. Бу ерда беморларга шошилинч ёрдам кўрсатиш мақсадида бир суткада 14 та тез тиббий ёрдам машиналари хизматга шай бўлиб, шундан 4 таси болаларга мўлжалланган. Биз байрамнинг осуда ўтиши учун ўз ҳиссамизни қўшиш шарафига муяссар бўлганимиздан мамнунмиз.

**Ольга САХАРОВА,
Тошкент шаҳар тез
тиббий ёрдам
Чилонзор туман бўлими
шифокор-кардиологи**



# «Янги йил» кроссворди

**Энига:** 2. Қиш фаслига хос ёғин. 5. Бошланаётган йилда таваллуди кунига 75 йил тўладиган эстрада санъатимиз асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти. 8. Дунё томони. 9. Тансиқ таом. 12. Шри Ланка Республикасининг амалдаги пойтахти. 14. Харид қилинган чипта асосида ўтказиладиган ютуқли ўйин. 15. Самарқанд ва Навоий вилоятлари ҳудуди, Жанубий Нурота тоғларидаги яйлов сифатида фойдаланиладиган тизма. 20. Африка саванналарида ўсувчи сайёрамиздаги энг улкан дарахт. 21. Вақт ўлчови бирлиги. 22. Миллий либос. 24. Мақолдан: «...лар сўзи - ақлнинг кўзи. 26. Сутка қисми. 27. Энг мўътабар зот. 29. Эртапишар ҳўл мева. 30. Тола олинадиган техника экини. 32. Вақтли нашрга олдиндан ҳақ тўлаб ёзилиш. 35. Украин ёзувчиси, тарихий асарлар муаллифи. 36. Самолёт маркаси. 38. Фаолиятни амалга оширишдаги чидам, бардош. 40. Бирор нарсани ҳар бир киши ёки ҳар бир нарсага тўғри келган, тенг улушларда тақсимлаш. 42. Автоматик бошқариш тизимларида исталган ахборотни узатиш, қайта ишлаш ва сақлаш учун маълум тартибдаги шартли белги. 44. Мақолдан: Чой тўкилиб, .. бўлмас, Юлдуз йиғилиб ой бўлмас. 45. Европадаги давлат пойтахти. 46. Ватанимизнинг истеъдод соҳибларига бериладиган мукофот. 47. Янги йил рақс кечаси. 49. Мучал йилларидан бири. 51. Кўҳна давлат пойтахтидаги қаср. 53. Кўрсатиш олмоши. 55. Оиладаги катта фарзанд. 56. Инсоннинг фикрлаш қобилияти, ақл, идрок. 57. Қорбобонинг набираси. 58. Даромад келтирадиган, фойда олиш мақсадида кўзланган фаолият мажмуи.

**Бўйига:** 1. Бошланаётган йилда 75 ёшга тўладиган Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири. 3. Янги йил даракчиси. 4. Кутиб олинган йилда 70 ёшни қаршилайдиган Ўзбекистон халқ ёзувчиси. 6. Йил фасли. 7. Қримдаги болалар оромгоҳи. 10. Энг азиз неъмат. 11. Ветнамда янги йилга берилган ном. 13. Инсоний оқибат, меҳр. 14. Светофор ватани ҳисобланувчи европадаги пойтахт шаҳар. 16. Матонат, чидам. 17. Намуна. 18. Порлоқ келажак. 19. Мезон ва қавс ўртасида жойлашган бурж. 23. Ёғинга айланадиган самодаги сув томчилари. 25. Марказий Осиёдаги пасттекслик. 28. Орол денгизига яқин жойлашган пойтахт шаҳар .31. Торли миллий мусиқа асбоби. 32. Қозоғистон Республикаси пойтахти. 33. Баҳор ойларидан бири. 34. Мақолдан: Камтарга - ..., манманга завол. 35. Пардоз ашёси. 37. Пуфлама чолғу асбоби. 39. Адолат юзасидан холисона иш юритиш. 41. Шифобахш ширинлик. 43. Матога пардоз бериш ашёси. 48. Рост, чин. 50. Иккига қолдиқсиз бўлинмайдиган миқдор.

51. Қишга хос об-ҳаво. 52. Ҳажм ўлчови бирлиги. 53. Кишилик олмоши. 54. Бир бирига монанд, ўхшаш.

**МУАММОНОМА:** Аввало, қуйида таърифланиб рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг.

I. Бошланаётган йилда таваллуд кунига 570 йил тўладиган ўзбек мумтоз мутафаккир шоири -6,2, 1, 13, 9, 22.

2. Мучал ҳисоби бўйича бошланаётган йил номи - 23, 5, 17, 6.

3. Якунланган йилда Ўзбекистон олий табақа футбол чемпионати ғолиби бўлган жамоа-3, 5, 6, 17, 8, 10, 13, 15.

4. Вақт ўлчови бирлиги - 12, 13, 2, 7.

5. Мевазор ва гулзор маскан - 3, 13, 24.

6. Инсоннинг навқиронлик даври - 17, 14, 4, 9, 10.

7. Қиш араваси - 19, 2, 6, 2.

8. Энг яхши совға - 18, 5, 4.

9. Ўзбек халқ рақс куйи- 13, 15, 13, 16.

10. Миллий либос - 7, 21, 6. Мақоллардан:

I1. Одоб - кишининг -11, 20, 3, 9.

12. Ер - 25, 2, 11, 9, 6, 2, сув - олтин.

Энди калит сўзлари жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан табрик сўзларимизни билиб оласиз.

**Фозилжон ОРИПОВ**

# Тошкент вилояти савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгаши

**Бунёдкор халқимизни, юртимиз тараққиёти йўлида фаол ҳаракат қилаётган барча тадбиркорларни кириб келган 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили билан самимий муборакбод этади. Янги йилда мамлакатимиз куч-қудрати янада мустаҳкам бўлиб, халқимизнинг турмуш тарзи бундан-да фаровонлашсин!**



Insonga naf keltirish – oliy baxt

**Muassis:**
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay`ati:**
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To`lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas`ul kotib),
Anvar YUNUSOV

**Bo`limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99891 679 32 79;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: mail@ishonch.uz

**Nashr ko`rsatkichi:**
133

Navbatchi muharrir:
T.Shernayev

Navbatchi:
Sh. Abdusamadov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -15.30

Буюртма Г — 151

21000 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

2 3 4 5